

---

## АДАБИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Риштон туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист ёзувчи Ҳамиджон Бурҳоновнинг туғилган куни муносабати билан адабий учрашув бўлиб ўтди. Тадбир туман ҳокимлиги, туман маънавият ва маърифат бўлими, 34-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Адабий учрашувда туман ҳокими С. Солиев, туман маънавият ва маърифат бўлими ходимлари, Риштонлик таниқли шоирлар – Баҳодир Исо, Фулом Фатхиддин, Асадулло Солих, ижодкорлар Маъруф Юнус, Усмонжон Тошпўлатовлар ва мактаб жамоаси иштирок этишди. Тадбир давомида иштирокчилар Ҳамиджон Бурҳоновнинг ҳаёт йўли ва унинг бой адабий мероси ҳамда ижоди ҳақида сўз юритдилар.

2022-02-03 05:16:04